

Тазкия дарслари (77-дарс). Ўзингиз суйган нарсадан нафақа қилинг!



14:00 / 21.03.2020 5576

Аллоҳ таоло Бақара сурасида марҳамат қилади:

تَنْفِقُونَ مِنْهُ الْخَبِيثَاتِ تَيْمَمُوا وَلَا الْأَرْضِ مِنْ لَكُمْ أَخْرَجْنَا وَمِمَّا كَسَبْتُمْ مَا طَيبْتِ مِنْ أَنْفِقُوا ءَامِنُوا الَّذِينَ يَتَأْتِيهَا

«Эй иймон келтирганлар! Касб қилган нарсаларингизнинг покизаларидан ва Биз сизларга ердан чиқариб берган нарсалардан нафақа қилинглар. Нафақа қилганингизда нопокни кўзламанг» (267-оят).

Аллоҳ таоло покдир ва У Зот фақат пок нарсани қабул қилади.

Закот ва хайр-эҳсон берувчи кимса бу борада икки нарсанинг мулоҳазасини қилмоғи лозим.

Биринчиси – Аллоҳ таолонинг ҳаққи. Чунки берувчи Аллоҳ таоло учун бераётганини даъво қилади. Агар даъвоси тўғри бўлса, Аллоҳ таолога берадиган нарсасининг яхши ва пок бўлишига эътибор қилсин-да. Ахир у уйига келган меҳмонига бор нарсаларининг яхшиси ва гўзалинигина тақдим қилади-ку!

Иккинчиси – ўз ҳақи. Чунки берган нарсаси қиёмат куни ўзига қайтиб келиши бор. Ўшанда ўзига яхши ва пок нарса қайтиб келишининг пайдан бўлсин.

Ўзи энг яхши кўрган нарсасини беришга келадиган бўлсак:

Аллоҳ таоло Оли Имрон сурасида шундай марҳамат қилади:

﴿عَلَيْكُمْ بِهِ ۖ اللَّهُ فَانِّ شَيْءٍ مِنْ تُنْفِقُوا وَمَا يُحِبُّونَ ۚ وَمَا تُنْفِقُوا حَتَّىٰ الْبَرِّتْنَا لَوْلَا اَنَّ

«Ўзингиз суйган нарсадан нафақа қилмагунингизча ҳаргиз яхшиликка эриша олмассиз. Нимаики нафақа қилсангиз, албатта, Аллоҳ уни ўта билувчидир» (92-оят).

Анас ибн Молик розияллоху анҳудан ривоят қилинади:

«Абу Талҳа Мадинада ансорийларнинг энг бадавлати эди. Унинг учун молларининг энг севимлиси Байруҳо (боғи) бўлиб, у масжиднинг тўғрисида эди. Набий соллаллоху алайҳи васаллам унга кирар, ундаги ширин сувдан ичар эдилар. «Ўзингиз суйган нарсадан нафақа қилмагунингизча, ҳаргиз яхшиликка эриша олмассиз» ояти нозил бўлганда, Абу Толҳа:

«Эй Аллоҳнинг Расули, Аллоҳ: «Ўзингиз суйган нарсадан нафақа қилмагунингизча, ҳаргиз яхшиликка эриша олмассиз», демоқда, мен учун молларимнинг энг севимлиси Байруҳодир. У Аллоҳ аzza ва жалла учун садақа! Унинг яхшилик ва Аллоҳнинг ҳузурида заҳира бўлишини умид қиламан. Эй Аллоҳнинг Расули, уни Аллоҳ кўрсатган жойга ишлатинг», деди. Набий алайҳиссалом:

«Яхши, яхши, бу фойда берувчи мол, бу фойда берувчи мол. Мен уни қариндошларинг фойдасига ишлатсанг дейман», дедилар. Абу Толҳа:

«Худди шундай қиламан, эй Аллоҳнинг Расули», деди.

Сўнгра Абу Толҳа уни қариндошлари ва амакисининг ўғилларига бўлиб берди.

Аҳмад ибн Ҳанбал ривоят қилган.

Абу Нуъайм ўзларининг «Ҳулятул Авлиё» номли китобларида Саъид ибн Абу Ҳилолдан ривоят қиладилар:

«Абдуллоҳ ибн Умар розияллоҳу анҳу Жухфага келиб тушди. У бетоб эди. У:

«Менинг балиқ егим келяпти», деди. Зўрға бир дона балиқ топиб келишди. Хотини Софийя бинти Абу Убайда уни пишириб, таом тайёрлади ва олдига қўйди. Худди шу пайт бир мискин келиб, унинг олдида тўхтади. Ибн Умар унга:

«Буни сен ол», деди. Аҳли унга:

«Субҳаналлоҳ! Ахир шунинг учун бизни қанча қийнадинг! Бизда бошқа таом бор. Бу мискинга ўшани берамиз», дедилар.

«Абдуллоҳ бунга муҳаббат қўйган эди», деди у».

Ривоят қилинишича, Робийъ ибн Ҳайсам раҳматуллоҳи алайҳининг эшигини бир тиланчи қоқибди.

«Унга қанд беринглар!» дебди хонадон эгаси.

«Унга нон берсак, фойдалироқ бўлармиди?» дейишибди.

«Шўри қуриганлар! Унга қанд беринглар! Робийъ қандни яхши кўради», деган экан Робийъ ибн Хайсам раҳматуллоҳи алайҳи.

«Руҳий тарбия» китобидан